

«YUNUSOBOD DEHQONBOZORI» АЖ
акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши
Б А Ё Н И

2019 йил 14 июн

Тошкент шаҳри.

соат 12-00

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Юнусобод 3-мавзеси.

Акциядорларнинг 2018 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Юнусобод 3-мавзеси, жамиятнинг маъмурий биносида 2019 йил 14 июн куни ўтказилди. Йиғилишда 622764 овозга эга 8 та акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 95,04% ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 95,04 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович катнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи,
Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси,
Латипов Б.Б – «Юнусобод дехкон бозори» АЖ директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Асатова Мухтабар

Йиғилиш саноқ хайъатига қўйидаги ходимлар сайландилар:

Кучаров Элмурод, Алимова Нигорава Юлдашева Шохноза

Йиғилишга «Юнусобод дехкон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятнинг бошқаришига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.
4. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг директори билан тузилган шартномани узайтириш.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзгачиқувчиларга 3 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори (жамият рахбари) Латипов Бекзод Бекпулатовичнинг ҳисоботини тинглади. Жамият рахбарий ўз ҳисоботида 2018 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, 2019 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида ҳисобот берди, жумладан жамият томонидан, 2018 йил якуни бўйича «Бизнес режага» мувофиқ тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасидаги 7296300,0 минг.сўм жами даромад режасини 7561291,0 минг.сўмга ёки 103,63 %га бажарилгани, жумладан, даромад манбалари бўйича: жой ҳақи режаси 3801500,0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 3869415,5 минг.сўм этиб ёки 101,78 %га бажарилгани, хизмат ҳақи режаси 1805900,0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 1835502,0 минг.сўм этиб ёки 101,63 %га бажарилгани, ижара ҳақи режаси 1512000,0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 1656386,7 минг.сўм этиб ёки 109,54 %га бажарилгани, инфратузилма даромади режаси 48600,0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 48206,4 минг.сўм этиб ёки 99,18 %га бажарилгани, коммунал хизматлари даромад режаси 103800,0 минг.сўм, амалда 19779,3 минг.сўм этиб ёки 15,39 %га ва бошқа даромадлар режаси 24500,0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 32002,0 минг.сўм., режага нисбатан 7502,0 минг.сўмга, яъни 130,62 % бажарилганлиги ҳақида ҳисобот берди.

Мажбурий харажатлар ўз аксини қуйидагича топди, яъни жами даромад режага нисбатан ошгани сабабли, даромадга боғлиқ мажбурий ажратмалар ҳам режага нисбатан кўп ажратилгани, жумладан давлат бюджетига 50% ажратма режадаги 3531409,2 минг.сўм ўрнига, амалда 3659665,3 минг.сўм ёки 128256,1 минг.сўмга кўп ажратилгани, давлат мақсадли жамғармаларига 3,2% мажбурий ажратмалар (пенсия, йўл, мактаб фондларига) режадаги 233481,6 минг.сўм ўрнига 241961,3 минг.сўм ёки 8479,7 минг.сўмга кўп ажратилганлигини маълум қилди.

Жорий харажатлардан, ойлик маоши режаси 1369000,0 минг.сўм, амалда 1389143,6 минг.сўм, режага нисбатан 20143,6 минг.сўм. кўп ажратилиб, у билан боғлиқ 25% ажратма харажати режаси 342250,0 минг.сўм миқдоридан белгилангани, амалда 340325,9 минг.сўм сарфлангани, режага нисбатан -1924,1 минг.сўм. кам сарфланганлигини, сув ва канализация режаси 96300,0 минг.сўм, амалда 144518,1 минг.сўм, режага нисбатан 48218,1 минг.сўм. кўп сарфлангани, Электр қуввати учун 334000,0 минг.сўм. режалаштирилган бўлса, амалда 392844,4 минг.сўм., режага нисбатан 58844,4 минг.сўм кўп сарфлангани, Дезинфекция харажатлари режада 8655,0 минг.сўм, амалда 7615,2 минг.сўмга, режага нисбатан -1039,8сўмга кам сарфлангани, Газ учун харажатлар амалда 162,7 минг.сўмни ташкил этгани, Махсустрасн режада 219600,0 минг.сўм, амалда 209301,9 минг.сўмга, режага нисбатан -10298,1 минг.сўмга кам сарфланди, телефон харажатлари режа бўйича 7000,0 минг.сўм, амалда эса 6683,3 минг.сўмга, яъни -316,7 минг.сўм кам маблағ ишлатилиб, муниципал милиция учун харажатлар режаси 207000,0 минг.сўм, амалда 261986,9 минг.сўм, режага нисбатан 54986,9 минг.сўм. кўп сарфлангани, асосий воситаларнинг эскириши режаси 87000,0 минг.сўм, амалда 88849,9 минг.сўм сарфлангани, банк фойзи хизмати режада 18000,0 минг.сўм, амалда 1458,8 минг.сўм, режага нисбатан -3441,2 минг.сўмга кам сарфлангани, автотухташ еғими режада 14468,4 минг.сўм, амалда 14489,8 минг.сўм, режага нисбатан 21,4 минг.сўмга кўп сарфлангани, бошқа харажатлар режаси 39600,0 минг.сўм бўлсада, амалда 342177,1 минг.сўм, режага нисбатан 30257,1 минг.сўмга кўп харажат қилинганлигини, транспорт харажати режада 20700,0 минг.сўм, амалда 15957,7 минг.сўм, режага нисбатан 4742,3 минг.сўм кам сарфланган, жорий таъмирлаш режада 63000,0 минг.сўм, амалда 25512,9 минг.сўм, режага нисбатан -37487,1 минг.сўм кам сарфланган, жами харажатлар режаси 2865773,4 минг.сўм. амалда 3280060,5 минг.сўмга, режага нисбатан 414287,1 минг.сўмга кўп харажат қилингани, соф фойда режаси 300820,8 минг.сўм, амалда 101991,0 минг.сўм, режага нисбатан 198829,8 минг.сўмга кам бажарилганлигини маълум қилди.

Бу асосан қўйида келтириб ўтилган сабаблар эвазига юзага келганлигини таъкидлаб ўтди:
-сув ва канализация режа 334000,0 минг.сўм, амалда 392844 минг.сўм, режага нисбатан 48218,1 минг.сўм кўп сарфланган.

- электро-энергия режа 334000.0 минг сўм, амалда 392844.4 минг сўм, режага нисбатан 58844.1 минг сўм кўп сарфланган.

- муниципал милияия ходимлари учун режа 207000.0 минг сўм, амалда 261986.9 минг сўм, режага нисбатан 54986.1 минг сўм кўп сарфланган.

- бошқа харажат учун режа 39600.0 минг сўм, амалда 342177.1 минг сўм, режага нисбатан 32577.1 минг сўм кўп сарфланган.

-Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги ЭДО-03/1-2682-сонли йиғилиш баёни, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 20 ноябрдаги 182-ф-сонли, 29 ноябрдаги 190ф-сонли ва 1 декабрдаги 195-ф-сонли фармойиш (ва бошқа)ларига асосан “Юнусобод дехкон бозори” АЖга 2018 йил қиш-бахорги мавсумда пиёз захираси яратилиши, “Юнусобод дехкон бозори” АЖ томонидан мазкур маблағлар ҳисобига 2017 йил ноябр-декабр ойларида 1 кг 1500 ва 1650 сўмдан жами 965710,9 минг.сўм. ҳисобига 600725 кг пиёз захираси яратилиши, 2018 йил баҳор ойларида пиёзнинг нархи пасайиб кетиши(800-850сўм), пиёзнинг таннархи ва унинг сотилиш нархи ўртасида юзага келган 545551.0 минг сўм.(кечиктирилган харажатлар таннархи 279121.0 минг сўм ва оморга ташиш харажатлар 19628 минг сўм) тафовут ҳисобига.

Сўнгра сўзга йиғилиш қатнашчиси Ганиев Д. чиқиб, жамият раҳбарияти томонидан дебитор ва кредиторлик қарздорликлари миқдорини камайтириш бўйича зарурий ишларни амалга ошириш зарурлигини, зарурийат туғилган ҳолда қарздорликларни ундириш мақсадида суд идораларига мурожаат этиш лозимлигини таъкидлаб, жамият раҳбарига мурожаат этди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб олганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича ««FTE-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2018 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосаси юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.М.Мавлянова сўзга чиқди ва аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисобот берди ва 2019 йил 30апрелда ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди(*аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош бухгалтери М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, ушбу хулосада жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори ««FTE-LEA-AUDIT» МЧЖнинг 2019 йил 30апрелдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- Адлия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Мехнат ҳақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмоқда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

-Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хулосаларига таяниб, жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ва балансидаги маълумотларининг ҳаққонийлиги тасдиқланганлигини;

- 2018 йил давомида аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаганлигини ҳақида маълум қилди (*тафтиш ҳайъатининг хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жумладан,

Бухгалтерия баланси Минг.сўмда

Кўрсаткичларноми	Хисоботдаврибошига		Хисоботдавриохирига	
	Актив	Пассив	Актив	Пассив
Асосийвоситаларбошлангичкиймати	2126271,0		2447076,0	
Эскиришсуммаси	709463,8		931667	
Ўолдикўиймати	1416808,8		1515409,0	
Узоўмуддатлиинвестициялар	26246,1		26246,0	
Узок муддатликечиктирилганхаражатлар	0		545551,0	
Ишлабчикаришзахиралари	14483,1			
Тугалланмаганишлабчикариш	892651			
Товар-моддийзахиралари			35516,1	
Дебиторлар, жами	1399730,6		1225040,0	
Пул маблаўлари, жами	330909,2		266155,0	
Киска муддатлиинвестициялар	84000,0		126333,0	
Бошўажорийактивлар				
Устав капитали		845000,0		845000,0
Резерв капитали		743261,4		1059976,0
Таўсимланмаганфойда		309223,0		101991,0
Маўсадлигушумлар				
кредиторлар		2267343,4		889028,0
Киска муддатли карзлар				844300,0
Баланс	4164827,8	4164827,8	3740295,0	3740295,0

Молиявий натижалар:

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
	Даромад-лар	Харажат-лар	Даромад-лар	Харажат-лар
Махсулот (товар, ишвахизмат) ларнисотишдантушган соф тушум	5220716,9	x	6016371,2	X
Сотилганмахсулот (товар, ишвахизмат)ларнингтаннари	x	0	X	279121,0
Махсулот (товар, ишвахизмат)ларнисотишнингялпифойдаси (зарари)	5220716,9		5737250,2	
Даврхаражатларижами	x	2802297,9	X	3663892,3
Маъмурийхаражатлар	x	530801,4	x	855638,3
Бошка операция харажатлари	x	271496,5	x	2808254,0
Асосийфаолиятинингбошқадаромадлари	1447561,2	x	1656296,8	x
Умумхужаликфаолиятнингфойдаси (зарари)	3893960,4	x	3761656,6	x
Даромад (фойда) солиўини тўлангунгаўадарфойда (зарар)	3893960,4	x	3761656,6	X
Даромад (фойда) солиўи	x	3584737,4	X	3659665,3
Хисоботдаврнинг соф фойдаси (зарари)	309223,0	0	101991,3	0,0

Раислик қилувчи кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси М.Мавлянова сўзга чиқиб, "Юнусобод дехкон бозори"АЖ 2018 йил якунлари бўйича соф фойда режаси 300820,8 минг.сум этиб режалаштирилган, лекин 2018 йил якунлари бўйича соф фойда амалда 101991,0 минг.сум, режага нисбатан 198829,8 минг.сўмга кам фойда олинганлигини айтиб, олинган соф фойдани 75 % қисмини яъни 76493,25 минг сумни акциядорларга дивидент, 10% қисмини 10199,1 минг сумни жамият захира жамгармасига ва колган 15 % қисмини яъни 15298.65 минг

сумни жамиятнинг моддий техника таъминотини яхшилаш учун йўналтириш таклифини киритди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси М.Мавляновасўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, ҳамда “2019 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, бизнес-режасидаги 2019 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди. (*“Бизнес-режа” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади*).

Маърузачининг берилган саволларига олинган жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасини амалдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида”ги қонунга асосан «Юнусобод дехкон бозори» акциядорлик жамияти директори этиб Латипов Бекзод Бекпулатович 2018 йил 25 майдаги акциядорларнинг умумий йиғилишида ижроия органи раҳбари лавозимига сайланган. Латипов Бекзод Бекпулатович билан тузилган меҳнат шартномаси акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар тузилганлигини, у билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш таклифини киритди ва акциядорлардан ушбу масала бўйича бюллетен орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2019 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Юнусобод дехкон бозори” АЖ - 235 йиғиб, унга “паст” баҳо берилганлигини, фойз жихатидаги якуний баҳоси 20 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, жамият ижроия органи ва Кузатув кенгаши томонидан ҳозирги кундаги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда жамиятнинг молиявий-хўжалик ҳолатини кўтариш, малакали кадрларни жалб этиш ва ортиқча лавозимларни қисқартириш зарурияти юзага келганлигини, шу муносабат билан жамиятда иш юритаётган кадрларнинг иш фаолияти, эгаллаган лавозими ва жамиятга қўшаётган ҳиссасини инобатга олиб, жамият директорининг хавфсизлик бўйича бўйича ўринбосари(1та) вадиректор ўринбосари(1та)ни қисқартирган ҳолда, бошқа зарурий жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиб, тасдиқлаш таклифи киритилганлигини айтиб, янги таклиф этилаётган ташкилий тузилма билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга

олиб, жамият уставини янги тахрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис катнашчиларини янги тахрирдаги Устав лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инobatга олиб, жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инobatга олиб, жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “AUDIT-RUMANS” MCHJ - 4500000 сўм,
2. “FTE-LEA-AUDIT” MCHJ - 5000000 сўм.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санoқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санoқ хайъати йиғилиш катнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала	2-масала	3-масала
Ўзлаган 5594 – 0.9 % Ўарши 0 – 0% Бетараф 617170 -99.1%	Ўзлаган 622764 – 100 % Ўарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	Ўзлаган 622764 – 100 % Ўарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %
4-масала	5-масала	6-масала
Ўзлаган 622764 – 100 % Ўарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	Ўзлаган 622764 – 100 % Ўарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	Ўзлаган 5594 – 0.9 % Ўарши 0 – 0% Бетараф 617170 – 99.1 %
7-масала		
Ўзлаган 5594 – 0.9 %, Ўарши 617170 – 99.1% Бетараф 0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %		
8-масала		
8.1. Ирматов Мурод Абдукахарович	622764 та овоз	
8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович	622764 та овоз	
8.3. Одилов Феруз Шамсиддинович	622764 та овоз	
8.4. Камолов Толмас Каримович	622764 та овоз	
8.5. Халиллаев Расулжон Аминбаевич	0 та овоз	
8.6. Исроилов Абдулазиз Абдусаттарович	622764 та овоз	
8.7. Каримов Малик Рахимович	0 та овоз	

8.8. Тулаганов Фарход Файзуллаевич	622764 та овоз		
8.9. Халилова Наргиза Баяровна	622764 та овоз		
8.10. Кодиров Мумин Тулаганович	0 та овоз		
8.11. Азамходжаев Саидамир Саидаминович	0 та овоз		
8.12. Турабеков Машраб	0 та овоз		
8.13. Исроилов Насиба	0 та овоз		
9-масала			
9.1. Абдухаликова Барно	622764 та овоз		
9.2. Бойсинов Жасур	622764 та овоз		
9.3. Мирасулов Абдухамид	622764 та овоз		
10-масала		11-масала	
Ўқлаган 622764 – 100 %		Ўқлаган 617614 – 99,1 %	
Қарши 0 – 0%		Қарши 0 – 0%	
Бетараф 0 – 0 %		Бетараф 5150 – 0,9 %	
12-масала		13-масала	
Ўқлаган 622764 – 100 %		Ўқлаган 617614 – 99,1 %	
Қарши 0 – 0%		Қарши 0 – 0%	
Бетараф 0 – 0 %		Бетараф 5150 – 0,9 %	
14-масала		15.1. -масала	
Ўқлаган 617614 – 99,1 %		Ўқлаган 622764 – 0 %	
Қарши 0 – 0%		Қарши 0 – 0 %	
Бетараф 5150 – 0,9 %		Бетараф – 0 %	
15.2. -масала			
Ўқлаган 92 – 0 %, Қарши 617564 – 0.15 %			
Бетараф 0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %			

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Юнусобод дехкон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ўқлаган-5594 – 0,9 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 617170 – 99,1 %).

2. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “FTE-LEA-AUDIT” МСНЖаудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2019 йил 30 апрелдаги ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (Ўқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2018 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (Ўқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (Ўқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин.

5.1 Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича 101.991,0 минг суммикдордаги олинган соф фойданинг 75 % қисмини яъни 76.493,25 минг сумни акциядорларга дивидент, 10% қисмини 10.199,1 минг сумни жамият захира жамғармасига ва қолган 15 % қисмини яъни 15.298,65 минг сумни жамиятнинг моддий техника таъминотини яхшилаш учун йўналтирилсин (Ўқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик Кузатув кенгаши томонидан ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа»

6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ, кейинчалик Кузатув кенгаши томонидан ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (Ёқлаган 5594 –0,9 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 617170 –99,1 %).

7. «Юнусобод дехкон бозори» АЖ директори Латипов Бекзод Бекпулатович билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш масаласига етарли овоз берилмаганлиги боис, меҳнат шартнома узайтирилмасин (Ёқлаган 5594 – 0,9 %, Қарши 617170 – 99,1 %, Бетараф 0 – 0 %).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

8.1. Ирматов Мурод Абдукахарович	622764 та овоз
8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович	622764 та овоз
8.3. Одилов Феруз Шамсиддинович	622764 та овоз
8.4. Камолов Толмас Каримович	622764 та овоз
8.5. Исроилов Абдулазиз Абдусаттарович	622764 та овоз
8.6. Тулаганов Фарход Файзуллаевич	622764 та овоз
8.7. Халилова Наргиза Баяровна	622764 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Абдухаликова Барно Сайдаминовна, Бойсинов Жасур ва Мирасулов Абдухамид сайлансин. (Ёқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин (Ёқлаган 617614 – 99,1 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 5150 – 0,9 %).

12. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин. (Ёқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13. Жамиятнинг «Умумий йиғилиши ҳақида»ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 617614 – 99,1 %, Қарши 5150 – 0,9 %, Бетараф 0 – 0 %).

14. Жамиятнинг «Кузатув кенгаши ҳақида»ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 617614 – 99,1 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 5150 – 0,0 %).

15. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «AUDIT-RUMANS» МСНҲ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 4.500.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 622764 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

Баённома имзоланган сана: «23» июн 2019 йил.

Йиғилиш раиси



Т.Т.Камолов

Котиба



М.С.Асатова